# Тошкент оқшоми

**2019 йил 2 декабрь, душанба**

*Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган*

**ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ**

**№ 188 (14.035)**

*Баҳоси эркин нархда*


# МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Хабар қилинганидек, Тошкентда 29 ноябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.**

Марказий Осиё халқларини кўп асрлик қардошлик ришталари, муштарак тарих, маънавий ва маданий қадриятлар, ўхшаш тил ва менталитет бирлаштириб туради. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон бир қўлнинг беш бармоғидек ҳамиша бир-бирига суянган, елкадош бўлган. Умумий тарихий меросга эга халқларимизнинг барқарор ривожланиши ва фаровон келажагини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев сайловолди дастуридаёқ ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратган эди.

Бу мақсадлар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топди. Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилишни ҳал этиш каби масалалар устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Ўтган қисқа вақтда бу борада тарихий қадамлар қўйилди. Чегарадан ўтиш, сувдан фойдаланиш каби ўткир муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилди, ўзаро борди-келди кўпайди.

Президентимиз илк давлат ташрифларини қўшни мамлакатларга амалга оширди. Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон билан стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилди. Қозоғистон билан стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш борасида муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга Ўзбекистоннинг бу саъй-ҳаракатлари бутун минтақадаги муҳитга ижобий таъсир кўрсатди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ана шундай яхши қўшничилик муҳити, халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ташаббусдир.

Мазкур анжуман тарихига назар ташласак, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб айтган эди. 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида давлатимиз раҳбари “Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир”, дея таъкидлади.

Ўша йили ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро анжуманда Президентимиз Марказий Осиёга оид долзарб масалалар бўйича минтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, бунинг учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам йўлга қўйишни таклиф этди.

Бу ташаббусни минтақадаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар қўллаб-қувватлади. Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан, биринчи Маслаҳат учрашуви 2018 йил 15 мартда Қозоғистонда бўлиб ўтди. Унда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари таклифининг ижобати сифатида 2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича махсус резолюция қабул қилингани минтақавий ҳамкорлик ривожига мустаҳкам замин яратадиган яна бир тарихий воқеа бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон ташқи сиёсатида “Марказий Осиё – бош устувор йўналиш” тамойили амалда татбиқ этила бошлади. Барча қўшниларимиз билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бирига айланди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларидан саналади. 2018 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошган. Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич 2,9 миллиард долларни ташкил этди.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия самарали фаолият олиб бормоқда. Юртимизда Қозоғистон капитали иштирокида 766 та, Қозоғистонда эса Ўзбекистон резидентлари иштирокида қарийб 200 корхона очилган. Автомобиль ва темир йўллар орқали юк ташиш ҳажми ҳам ўсган. Мамлакатларимизнинг йирик шаҳарлари ўртасида автобус ва самолётлар қатнови йўлга қўйилган.

Қирғизистон билан алоқалар ҳам кенгаймоқда. Хусусан, 2018 йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 481 миллион доллардан ошган бўлса, жорий йилнинг январь-октябрь ойларидаёқ кескин ўсиб, 703 миллион долларга етган.

Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ишламоқда. Ўзбекистонда Қирғизистон вакиллари иштирокида 150 та, Қирғизистонда эса юртимиз капитали иштирокида 51 корхона очилган. Ҳудудлараро алоқалар, саноат кооперацияси ҳам изчил ривожланмоқда.

Кейинги йилларда Тожикистон билан ҳамкорлик ҳам фаоллашди. Масалан, 2018 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 389 миллион доллардан ошган бўлса, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич қарийб 30 фоиз ўсиб, 408 миллион долларга етган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия тузилган. Икки мамлакатда ўзаро ҳамкорликда тузилган ўнлаб корхоналар ишлаб турибди. Маданий-гуманитар ва туризм соҳасидаги алоқалар ҳам кенгаймоқда.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммитининг асосий воқеалари 29 ноябрь куни Кўксарой қароргоҳида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб саммит меҳмонлари билан учрашувлар ўтказди.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан учрашув аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, унга Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари етакчилари учрашувларини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

*(Давоми 2-бетда)*

## САЙЛОВ – 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси номидан “Адолат – ҳар бир инсон учун!” сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.**

*3-саҳифага қаранг*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Аввало, сиз, муҳтарам дўстларимни – Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари ва делегациялар аъзоларини чин қалбимдан қутлайман.

Ушбу Маслаҳат учрашувининг ўтказилиши манфаатларимизнинг ўзаро муштараклиги, минтақавий тараққиётнинг энг долзарб масалалари бўйича очиқ мулоқот ва биргаликда қарорлар қабул қилишга тайёр эканимизни яна бир бор яққол тасдиқлайди.

Биз ҳозиргина тор доирада ўтказган музокараларда ҳамкорлигимизнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини атрофлича муҳокама қилдик ва мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида якдил фикрга келдик.

Маълумки, Марказий Осиё геостратегик жойлашувига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги жараёнлар марказида бўлиб келган.

Бизнинг минтақамиз доимо ўзининг бой маданий-тарихий мероси билан Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ноёб кўприк бўлиб хизмат қилган.

Ушбу қутлуғ заминда дунё цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк гуманист олимлар, мутафаккир ва шоирлар яшаб ижод қилган. Бу ерда улкан табиий захиралар, катта инсоний салоҳият мавжуд.

Бугунги кунда ҳам Марказий Осиёда дунёнинг рақобатдош қудратли давлатларининг манфаатлари ўзаро кесишиб келади.

Бизга бевосита яқин бўлган ҳудудларда минтақавий ва халқаро хавфсизликка таъсир этадиган йирик беқарорлик ўчоқлари мавжуд.

Бизнинг олдимизда мураккаб саволлар турибди: Марказий Осиё қанчалик изчил ва барқарор ривожланади? Бизнинг мамлакатларимиз қандай янги хавф-хатар ва таҳдидларга дуч келиши мумкин? Биз, умумий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, минтақавий ҳамкорлигимизни бундан кейин қандай олиб борамиз?

Бугун биз ана шундай муҳим ҳаётий саволларга биргаликда жавоб топишимиз керак.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари!

Минтақанинг ҳар бир давлати Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва равнақини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Сиёсий ирода ва амалий қадамларимиз туфайли биз ҳамкорликнинг янада юқори босқичига кўтарилмоқдамиз.

Бизнинг ҳамжиҳатлигимиз ва фаол саъй-ҳаракатларимиз кўп қиррали минтақавий ҳамкорлик учун янги имкониятларни очиб берди. Биз қисқа муддатда биргаликда реал тарзда олдинга силжишга эришдик.

Хусусан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда 2 баробар, қўшма корхоналар сони 4 марта ўсди.

Биз шерикларимиз билан биргаликда чегараларимизда ҳуқуқий расмийлаштириш ишларини якунлаш арафасида турибмиз. Олтмишга яқин ўтиш пунктларининг тўлақонли фаолиятини таъминлаб, визаларни бекор қилдик.

Ишбилармонлик ва ҳудудлараро алоқалар, транспорт қатновлари, маданий-гуманитар алмашувлар кенгайиб бормоқда.

Ўтган йили Ўзбекистонда биринчи Марказий Осиё иқтисодий форуми ҳамда мамлакатларимизнинг Бош вазирлари ўринбосарлари даражасида Ишчи гуруҳнинг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди.

Ўн йиллик танаффусдан сўнг 2018 йилда Туркманистонда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатларимизнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашида Афғонистон бўйича музокараларнинг олиб борилгани, Марказий Осиёда радиация хавфсизлигини таъминлаш, “Барқарор ривожланиш учун сув” ҳаракатларининг халқаро ўн йиллиги, Энергетик хартиянинг Ашхобод декларацияси қабул қилингани, Марказий Осиё бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциялари ва шу каби бошқа кўплаб кенг эътироф этилган халқаро ташаббуслари яхши маълум.

Буларнинг барчасида барқарор бир тенденция – давлатларимизнинг мустақил роли ва умумий келажак учун масъулияти кучайиб бораётгани намоён бўлмоқда.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Марказий Осиё давлатлари минтақавий ва глобал масалалар бўйича тобора кўпроқ умумий позициядан туриб фикр билдирмоқда.

**Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз – бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиган жараён эканини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган эмас.**

Бу борада, бирлик ва жипсликни мустаҳкамлаган ҳолда, биз изчил ва барқарор ривожланиб бораётган минтақамизнинг, демакки, истиқболли ва ишончли халқаро шерикнинг шаклланишига ҳисса қўшмоқдамиз.

*(Давоми 2-бетда)*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДАГИ БАЁНОТИ

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари вакиллари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввваламбор, сизларни, бугун Тошкент шаҳрида ўтказилаётган тарихий анжуманни – Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ёритиш мақсадида тўпланган оммавий ахборот воситалари вакилларини самимий қутлашдан мамнунман.

Ушбу форматдаги доимий мулоқотларни ўтказиш ташаббуси ҳурматли ҳамкасбларим – минтақа етакчиларининг фаол қўллаб-қувватлаши билан амалга ошмоқда.

Шу муносабат билан 1998 йили Ашхабод шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммитининг тарихий аҳамиятини ҳамда 2018 йилда Нур-Султон шаҳридаги Маслаҳат учрашувининг самарали натижаларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бугунги самимий музокараларимиз ҳам анъанавий дўстлик ва ўзаро англашув руҳида ўтди.

Учрашувлар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг минтақада ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиши ва қатъий сиёсий иродасининг яққол ифодаси бўлди.

Биз ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалаларини атрофлича муҳокама қилдик. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш йўлида бутунлай ҳамфикр эканимизни яна бир бор тасдиқладик.

Учрашув долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича бизнинг қараш ва ёндашувларимиз ўзаро жуда яқин эканини намойиш этди.

Минтақанинг мавжуд улкан иқтисодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, устувор соҳаларда мулоқот ва шерикликни ривожлантиришга келишиб олдик.

Биз давлатларимиз ўртасидаги савдо тўсиқларини бартараф этиш, саноат кооперациясини янада кучайтириш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширамиз.

Энергетика инфратузилмаларини модернизация қилиш ва минтақанинг транзит имкониятларини кенгайтиришга қаратилган йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

Иқтисодий ва транспорт коридорларининг самарали минтақавий тизимини яратиш борасида фаол ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам давом этади.

Сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини юмшатиш, экологик хатарларга қарши курашиш масалалари бўйича ҳам батафсил фикр алмашдик.

Биз инновацион технологияларни жалб қилиш, “яшил иқтисодиёт” принципларини жорий этиш, чўлланишнинг олдини олиш орқали Оролбўйи муаммоларини ечишдаги саъй-ҳаракатларимизни мувофиқлаштириб борамиз.

Мамлакатларимиз минтақалари ўртасида фаол мулоқотни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида қўшма тадбирларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олдик.

Биз Марказий Осиё халқларини бирлаштириб турадиган умумий қадрият ва анъаналарни асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш бўйича қўшма дастурларни амалга оширишдан манфаатдор эканимизни баён этдик.

Музокаралар чоғида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун кўп томонлама ҳамкорлик масалаларига айниқса жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Биз Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш тарафдоримиз. Биродар афғон халқига амалий ёрдам кўрсатишни, ён қўшнимиз бўлган ушбу мамлакатда бевосита улар иштирокида қўшма инфратузилма лойиҳаларини ва минтақавий ташаббусларни илгари суришни бундан кейин ҳам жадал давом эттирамиз.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

# ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллий ҳунармандчилик, халқ бадиий ва амалий санъатини ривожлантириш, бу орқали халқимизнинг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш, банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни ҳунармандчиликка кенг жалб этиш орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг **республика ҳудудларини ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ихтисослаштириш** ва уларга ҳунармандчилик маҳсулотларини чет эл бозорларида намойиш этиш ва сотиш учун кўмаклашиш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини бириктириш** тўғрисидаги таклифлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари “Ҳунарманд” уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мурожаатига асосан **ўзига бириктирилган ҳудудлардан бошқа ҳудудларда фаолият юритувчи ҳунармандлар маҳсулотларини чет элда намойиш этиш ва сотишда** ҳам ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (Неъматов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Қудратов), Савдо-саноат палатаси (Икрамов), “Ҳунарманд” уюшмаси (Абдуллаев) билан биргаликда республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали мазкур ваколатхоналар жойлашган ва бошқа йирик шаҳарларда ҳунармандларга ўз маҳсулотларини намойиш этиш ва сотиш учун миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, янги бозорларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи **“савдо уйлари”** ва **миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари дўконларини** ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Бадиий академияси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва “Ҳунарманд” уюшмасининг:

**“Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги”**ни (кейинги ўринларда – Миллий каталог) жорий этиш;

**“Туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар реестри”**ни (кейинги ўринларда – Реестр) юритиш;

**Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталогига киритиладиган номзодларни танлаш бўйича кенгашни** (кейинги ўринларда – Кенгаш) тузиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Белгилансинки:

а) **Миллий каталогга** қуйидаги ҳунармандлар Кенгаш қарори асосида киритилади:

нуфузли халқаро кўргазма, кўрик-танлов каби тадбирларда ғолиб ёки лауреат сифатида эътироф этилганлар;

тегишли соҳада санъат ва фан арбоби ҳамда академикларнинг тавсиясига эгалар;

**“Ўзбекистон Республикаси халқ устаси”** фахрий унвонига эгалар;

б) **Реестрга** Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан “Ҳунарманд” уюшмасининг қуйидаги аъзолари киритилади:

туристик маршрутдаги манзил бўйича ўз устахонасида ёки ижара асосида фаолият юритувчилар;

ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни галереялар, ҳунармандчилик маҳсулотлари дўконлари, маҳаллий ва хорижий савдо уйларига шартнома асосида намойиш ва сотиш учун қўяётганлар;

Миллий каталогга киритилганлар;

“Ҳунарманд” уюшмасининг Бадиий кенгаши томонидан тавсия этилганлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Маданият вазирлиги, Бадиий академияси ва “Ҳунарманд” уюшмаси:

**икки ҳафта муддатда** “Ҳунарманд” уюшмаси раиси раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Бадиий академияси раҳбарлари ва масъул ходимларидан иборат бўлган Кенгаш таркибини тасдиқласин;

**бир ой муддатда** ҳунармандларни Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталогига киритиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

“Ҳунарманд” уюшмаси **2020 йил 1 январдан** бошлаб Миллий каталогни очиқ ва умум фойдаланиладиган веб-сайт кўринишида ишга тушириш чораларини кўрсин ва доимий равишда янгилаб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси “Ҳунарманд” уюшмаси билан биргаликда:

**бир ой муддатда** туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

**2020 йил 1 январга** қадар Реестрнинг шакллантирилишини таъминласин;

**2020 йил 1 мартдан** бошлаб Реестрни онлайн тарзда реал вақт режимида янгиланувчи очиқ ва умум фойдаланиладиган веб-сайт кўринишида ишга тушириш чораларини кўрсин ва доимий равишда янгилаб борсин.

*(Давоми 4-бетда)*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Натижада **дунёда Марказий Осиёга эътибор изчил ортиб бормоқда, бизнинг биргаликда илгари сураётган ташаббусларимизни қўллаб-қувватлашга етакчи давлатлар ва халқаро молия тузилмаларининг қизиқиши тобора кучаймоқда.**

Шу муносабат билан минтақа мамлакатларининг хорижий шериклар билан турли форматларда яқин ва тизимли мулоқотини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ўзаро ҳамкорликни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблайман.

Муҳтарам делегация раҳбарлари ва аъзолари!

Кенгайиб бораётган минтақавий шерикликнинг устувор йўналишлари ҳақида гапирганда, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

**Биринчи.** Савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳаларидаги вазифаларни амалга оширишга бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш муҳимдир. Булар бутун минтақанинг жадал тараққиёти ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор вазифаларидир.

Бу борада Марказий Осиё инвестиция форуми ва мамлакатларимиз савдо-саноат палаталарининг илк йиғилишини ўтказиш, Транспорт-коммуникациялар бўйича минтақавий кенгашни ташкил этишни тезлаштиришни таклиф этамиз.

"Бир саёҳат билан – бутун минтақа бўйлаб" тамойили асосида қўшма дастурларни илгари суриш учун Халқаро туризм конференциясини ташкил этишни таклиф этамиз.

**Иккинчи.** Бош вазир ўринбосарлари ва ташқи ишлар вазирларининг кўп томонлама учрашувларини мунтазам ташкил қилиш билан бирга Марказий Осиё мамлакатлари Парламентлараро дўстлик гуруҳини таъсис этишни таклиф қиламиз.

**Учинчи.** "Марказий Осиё – ягона ўтмиш, умумий келажак" шиори остида маданий-гуманитар алмашув платформасининг яратилиши барча халқларимиз манфаатларига жавоб беради, деб ўйлайман.

Сизларнинг қўллаб-қувватлашингиз билан илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида эришган салмоқли ютуқлари учун Марказий Осиё мукофотини таъсис этиш, шунингдек, университетлар форумлари ва минтақавий спорт ўйинларини ташкил этиш таклиф қилинмоқда.

Ҳар йили Наврўз байрами арафасида навбати билан ҳар бир мамлакатда Марказий Осиё маданият кунларини ўтказишни муҳим, деб ҳисоблаймиз. Буларнинг барчаси қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

**Тўртинчи.** Минтақанинг мураккаб сув ва экологик муаммоларини ҳал қилиш ва ечиш ўзаро мувофиқлаштирилган ёндашувларни талаб қилади.

Инновацион технологияларни жалб қилиш, "яшил иқтисодиёт" тамойилларини татбиқ этиш, чўлланишнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш ва бошқа комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш мақсадида БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун Траст фонди имкониятларини самарали ишга солиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишнинг барча учун мақбул ечимини излашни давом эттириш лозим.

**Бешинчи.** Энг муҳим устувор вазифа – минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат.

Замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга кенг миқёсда қарши туриш учун мамлакатларимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва махсус хизматларининг оператив ҳамкорлик қилиши бўйича ишчи механизмларни яратиш тарафдоримиз.

Афғонистон бизнинг минтақамизнинг узвий бир қисмидир. Ушбу мамлакатга тинчлик ва тараққиёт йўлига қатъий қадам қўйиши учун ёрдам бериш барчамизнинг умумий манфаатларимизга тўлиқ мос келади.

Муаммони сиёсий йўл билан ҳал қилиш борасидаги асосий тамойилларга амал қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Авваломбор, бу – зўравонликдан воз кечиш, ўт очишни тўхтатиш, мулоқот ва муросага тайёрликни намоён этишдан иборат.

Бундан ташқари, Афғонистонда муҳим инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга фаол жалб этишга қаратилган мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқиш ўта муҳимдир.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун шуни ишонч билан айтишим мумкинки, **бизнинг мамлакатларимиз ўртасида деярли барча асосий йўналишлар бўйича кўп томонлама муносабатларнинг янги тизими барпо этилмоқда.**

**Ушбу ижобий ва шиддатли жараённинг негизида халқларимизнинг ўзаро интилиши ва манфаатларининг муштараклиги мужассамдир.**

Ишончим комилки, бугун белгилаб олинган барча устувор вазифалар келгусида Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бизнинг ягона қарашимизда ўз аксини топиши керак.

Биз ўзаро ҳамкорлигимизнинг асосий мақсад ва тамойилларини келишиб олишимиз, инсон, капитал, товар ва хизматларнинг ҳаракати, шунингдек, кенг кўламли маданий-гуманитар алмашувлар учун қулай шароитлар яратиб беришимиз лозим.

Умид қиламанки, бугун Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви муносабатларимизда янги саҳифа очиб, Марказий Осиёда дўстлик, яхши қўшничилик ва шерикликни мустаҳкамлашнинг амалий механизмларини йўлга қўйиш ва шакллантиришга хизмат қилади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДАГИ БАЁНОТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бу чора-тадбирлар Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик жараёнларини таъминлаш, иқтисодиётни қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитлар яратишига ишонамиз.

Минтақамиз давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви форматидаги ҳар йил ўтказиладиган саммитлар ғоятда муҳим эканини барчамиз қатъий маъқулладик. Учрашувларимиз ҳамкорлигимизнинг энг долзарб масалаларини очиқлик ва ўзаро ишонч асосида муҳокама қилиш учун самарали мулоқот майдони бўлишини яна бир бор тасдиқлади.

Саммит якунида муносабатларимиз натижадорлигига хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Бу ўринда, аввало, Қўшма баёнот ҳақида тўхталишни истар эдим. Мазкур ҳужжат бизнинг минтақавий ҳамкорлигимизни ҳар томонлама чуқурлаштириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги умумий сиёсий иродамизни яна бир бор тасдиқлади.

Биз Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш Регламентини маъқулладик. Ушбу ҳужжат саммитларга пухта ҳозирлик кўриш, уларни тизимли равишда ўтказиш, келишилган ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Биз Туркманистон Президентининг таклифини тўла қўллаб-қувватладик ва оқсоқолимиз, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Абишевич Назарбоевни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг фахрий раиси этиб сайладик.

Эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви формати қандайдир янги минтақавий ташкилот тузиш ҳақида гапиришга асос бўла олмайди.

Ҳурматли журналистлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиё – асрлар давомида қондош халқлар тинч ва тотув яшаб келаётган жаҳондаги кам сонли минтақалардан биридир.

Бизни муштарак тарих ва маданият, ягона муқаддас дин, ўхшаш менталитет, маънавий-ахлоқий қадрият ва анъаналар ҳамда ажралмас дўстлик чамбарчас боғлаб туради.

Буларнинг барчаси халқларимиз фаровонлиги ва равнақи йўлида Марказий Осиё давлатлари салоҳиятини бирлаштиришга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Сўзимнинг якунида шуни айтишни истардимки, биз олий даражадаги минтақавий мулоқотни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичига кўтарилдик.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги интилишларимиз билан олдимизда турган барча мақсадларга албатта эришамиз. Марказий Осиёни хавфсиз ва барқарор тараққиёт минтақасига, кўп қиррали шериклик маконига айлантирамиз.

Биз навбатдаги Маслаҳат учрашувимизни келгуси йили Қирғизистоннинг гўзал Бишкек шаҳрида ўтказишга келишиб олдик.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

# МИНТАҚАВИЙ МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги анъанавий яқин муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, аниқ амалий мазмун билан бойиди.

Элбоши Нурсултон Назарбоев, ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илк бор 2018 йили Нур-Султон шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари минтақада кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани ҳамда шерикликнинг амалий лойиҳаларини илгари суриш учун самарали майдон вазифасини ўтаётганини таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид, шунингдек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Турли даражалардаги алоқалар фаоллашгани, товар айирбошлаш ортаётгани, гуманитар алмашинувлар жадаллашгани алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Томонлар Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Тошкентдаги Маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш ҳамда дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшишига ишонч билдирдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан мулоқотда стратегик шериклик даражасига кўтарилган кўп қиррали Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли бугун савдо-иқтисодий муносабатлар фаол ривожланмоқда. Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, турли тармоқлардаги кооперация кучаймоқда, маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда.

Учрашувда қардош мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан учрашувда томонлар мамлакатларимиз ҳамкорлигининг долзарб масалалари ва уларни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Давлат раҳбарлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бошланди.

Суратга тушиш маросимидан сўнг делегациялар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов иштирок этди.

Саммитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мажлис иштирокчиларини самимий қутлаб, ушбу учрашув ҳаёт талаби, томонларнинг дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, шерикликни кенгайтиришга интилиши ифодаси эканини таъкидлади.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли охирги йилларда кўплаб мураккаб масалаларга ечим топилди. Бу ижобий ўзгаришлар халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда бутун дунёда юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, тез ўзгараётган дунёда янгидан-янги масалалар кун тартибига чиқмоқда. Минтақавий хавфсизликка таҳдидлар, барқарор ривожланишга халал берувчи омиллар пайдо бўлаётир. Бу ўзаро ишончга асосланган шерикликни мустаҳкамлашни, саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Етакчиларнинг мазкур учрашуви олий даражадаги минтақавий мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

– Яратганнинг иноятн билан биз қўшниларимиз. Халқларимизнинг тарихи ва тақдири, келажаги чамбарчас боғлиқ. Бу эса минтақамизни бирлаштирувчи катта кучдир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда кўп томонлама ҳамкорлик бўйича ягона нуқтаи назарни келишиш зарурлигини таъкидлаб, унинг асосий йўналишлари ҳақида ўз фикрларини билдирди, қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Бу, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни ривожлантиришдир. Катта бозорга эга, табиий хом ашё ва инсон ресурслари салмоқли бўлган минтақамизнинг рақобатдош устунликларини имкон қадар тўлиқ ишга солиш муҳим. Қўшимча қиймат занжирини шакллантириш, минтақа ичида савдони кенгайтириш, иш ўринлари яратиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларида янги имкониятларни аниқлаш ва кооперация лойиҳаларини амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати, аграр тармоқда фаол ҳамкорлик қилишга тайёр экани билдирилди.

Иккинчи муҳим йўналиш – минтақанинг транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш.

Марказий Осиёнинг транспорт тизими яратилаётган замонавий логистика инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда минтақа ичида узлуксиз коммуникацияни таъминлаши, шунингдек, тобора ортиб бораётган транзит оқимларига самарали хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Учинчидан, минтақамизнинг узоқ муддатли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги, Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини ошириш, замонавий энергетика инфратузилмасини яратиш борасидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёр экани таъкидланди.

Мамлакатларимизнинг улкан туризм салоҳиятини амалга ошириш яна бир истиқболли йўналишдир. Давлатимиз раҳбари бунинг учун Марказий Осиёнинг ягона, кўпчилик танийдиган туризм бренди, минтақа учун умумий бўлган жозибадор туризм маҳсулотларини шакллантириш лозимлигига эътибор қаратди.

Шавкат Мирзиёев сувдан фойдаланиш борасидаги муаммоларни ҳал этишга доир ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишни таклиф этди, Афғонистонда тинчлик, миллий муроса ва иқтисодий тикланишга эришишга кўмаклашиш йўлида минтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш муҳим эканини таъкидлади.

Марказий Осиё давлатлари делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида хавфсизликни мустаҳкамлаш, давлатларимиз ўртасидаги савдо тўсиқларини бартараф этиш, минтақанинг мавжуд улкан иқтисодий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда саноат кооперациясини янада кучайтириш, энергетика инфратузилмаларини модернизация қилиш ва ҳудуднинг транзит имкониятларини кенгайтиришга қаратилган йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иккинчи Маслаҳат учрашувининг ўтказилиши манфаатларнинг ўзаро муштараклиги, мамлакатларимиз минтақавий тараққиётнинг энг долзарб масалалари бўйича очиқ мулоқот ва биргаликда қарорлар қабул қилишга тайёр эканини яна бир бор яққол тасдиқлашини таъкидлади.

Учрашувда томонлар ҳудудлар даражасида фаол алмашинувлар ва мулоқотни қўллаб-қувватлаш, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳаларида қўшма тадбирларни мунтазам ўтказишга келишиб олдилар.

Марказий Осиё асрлар давомида қардош халқлар тинч ва тотув яшаб келаётган жаҳондаги кам сонли минтақалардан биридир.

Саммитда минтақа давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви форматидаги ҳар йиллик саммитлар шу жиҳатдан ғоят муҳим экани таъкидланди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Марказий Осиё давлатлари бугунга келиб олий даражадаги минтақавий мулоқотни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичига кўтарилди.

Саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш регламенти маъқулланди.

Туркманистон Президентининг таклифига биноан давлат раҳбарлари Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоевни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг Фахрий раиси этиб бир овоздан сайладилар.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви келаси йили Қирғизистонда ўтказилади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифингда Президентимиз Шавкат Мирзиёев музокаралар анъанавий дўстлик ва ўзаро англашув руҳида ўтгани, давлат раҳбарларининг минтақада ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиши ва қатъий сиёсий иродасининг яққол ифодаси бўлганини таъкидлади.

Самарали музокаралардан сўнг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчатлар ўтказди. Бу дарахтлар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг мустаҳкам дўстлиги ва ҳамкорлиги рамзи сифатида ёнма-ён ўсади.

Куннинг иккинчи ярмида давлат раҳбарлари Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шу билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви якунига етди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Транспорт вазирлигининг шу йил 9 ойи мобайнидаги фаолияти ҳақида ҳисоботи эшитилди. Мазкур вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратган бўлиб, 73 та йўловчи ташиш автобус йўналиши ташкил этилган, бешта автостанцияда қурилиш ишлари ва иккитасида реконструкция тадбирлари якунланиб фойдаланишга топширилган. Шу билан бирга жорий йилнинг учинчи чорагига қадар бажарилиши лозим бўлган топшириқларнинг айримлари якунига етказилмаган. Мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.**

**● Наманган вилоятининг Чуст туманида Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суди учун барпо этилган янги бино фойдаланишга топширилди. 2 миллиард 942 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб қурилган бинода суд ходимлари учун ҳам, фуқаролар учун ҳам барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Алоҳида суд қабулхонасида фуқароларнинг кутиш вақтида имкон қадар ноқулайлик ва асабий безовталик ҳис қилмасликлари учун нуқтаи назаридан жиҳозланди. Фуқаролар ва аризаларни қабул қилиш, она ва бола, тиббиёт хоналарида ташриф буюрувчилар учун қулайликлар кўзда тутилган.**

### ЖАҲОНДА

**● Бутун жаҳонда сон-саноқсиз аэропортлар қурилган бўлиб, улардан бир қанчаси юқори даражадаги машҳурликка эришган. 2019 йилда энг катта аэропорт деб топилган манзил бу Беижинг Дахинг халқаро аэропорти бўлди. Ушбу янги очилган аэропорт Хитой пойтахти Пекиндан 40 км жанубда жойлашган. Тантанали очилиш маросими эса Хитойнинг 70 йиллигини нишонлашдан бир ҳафта олдин амалга оширилади. Ҳозирда уни синов тариқасида бир неча ҳафта фойдаланишга топширишди. Бу аэропорт қарийб беш йиллик муддатдан сўнг битказилган бўлиб, 63 миллиард долларлик ушбу объект 18 квадрат миль майдонда жойлашган. Бу жиҳатлари билан у дунёдаги энг катта аэропортга айланди. Биз юқорида қайд этган машҳур аэропорт лойиҳасининг муаллифи 2016 йил вафот этган архитектор аёл Заҳа Ҳадид ҳисобланади.**

**● Албанияда 6,4 магнитудали кучли зилзила содир бўлди. Ер қимирлаши натижасида 32 нафар одам ҳаётдан кўз юмди, юзлаб кишилар жароҳатланди, кўплаб уй-жойлар вайрон бўлди. Ҳозир бу ерда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Руминия, Италия, Туркия ва бошқа давлатлар Албанияга ёрдам қўлини чўзган.**

## Билдириш

*Халқ депутатлари Бектемир туман Кенгаши қарорига мувофиқ 1968 йилда туғилган, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзоси, Бектемир туманидаги 571-мактабгача таълим муассасаси мудираси, Тошкент шаҳрида яшовчи Каршиева Гулшода Файзуллаевнанинг номзоди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан қўйилганлиги ва 30-Ҳалқа сайлов округидан халқ депутатлари Бектемир туман Кенгаши депутатлигига рўйхатга олинганлиги, шунингдек, 1980 йилда туғилган, Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси, Ўзбекистон-Туркия дўстлик жамиятининг ижрочи директори, Тошкент шаҳрида яшовчи Гафурова Севара Алишеровнанинг номзоди Ўзбекистон Экологик партияси томонидан қўйилганлиги ва 30-Ҳалқа сайлов округидан халқ депутатлари Бектемир туман Кенгаши депутатлигига рўйхатга олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.*

O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# АДОЛАТ – ҲАР БИР ИНСОН УЧУН!

## ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Сиёсий майдонда халқчил ва ҳаётий ғоялари билан ўз ўрни ва обрўсига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси навбатдаги сайловлар олдидан Ватанимиз тараққиёти йўлида ҳуқуқий демократик, “ижтимоий давлат” ва “барча учун фаровонлик таъминланган” адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг социал-демократик моделини таклиф этади.

Унинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

– инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлигини тан олиб, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсонни фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлиги мезонларини таъминлаш;

– Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли “ижтимоий давлат” сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш;

– “халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилмоғи керак” ғояси давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини таъкидлаб, халқ ҳокимиятининг тимсоли бўлмиш вакиллик демократияси институтининг роли ва аҳамиятини янада ошириш;

– мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жамиятнинг инновацион, интеллектуал салоҳияти ва инсон капиталини ривожлантириш;

– партиянинг асосий электорати ҳисобланмиш ишчи ва меҳнаткашлар, юқори малакали мутахассислар, бюджет соҳаси хизматчилари, педагоглар, шифокорлар, илмий ва инженер-техник ходимлар, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ва бошқа хайрихоҳлар манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлаш;

– ҳар бир инсон фаровонлигининг гарови бўлмиш тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, фуқаролик тотувлиги, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, мувозанатли, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат олиб бориш.

Партия электоратимиз ва сайловчиларимиз эҳтиёжлари ва орзу-умидларига асосланган ҳолда, ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб, мамлакатимизнинг келажак авлоди олдидаги масъулиятни ҳис этиб, келгуси беш йиллик учун қуйидаги устувор вазифаларни олға суради.

### ҲУҚУҚИЙ-ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ҚУРИШ – ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

Асосий тамойилимиз – адолат ҳамма ерда ва ҳар бир инсон учун! Қонун ва адолат устуворлигига эришиш – ҳаракатларимиз мезонидир!

Адолатнинг қарор топишида суд ҳокимиятининг ўрни катта. Биз суд ҳокимияти мустақил, судлар эса адолат қўрғонлари бўлиши тарафдоримиз.

Биз Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар натижасини, айниқса, соҳада аҳолининг норозилигига сабаб бўлган омилларни танқидий ўрганиб бораmiz ва шу орқали амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар тайёрлаймиз.

Биз суд тизимини комплекс ривожлантириш, судларнинг мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш адолатли жамият қуришнинг муҳим шарти, деб ҳисоблаймиз.

Биз инсонлар сарсон бўлишининг олдини олиш ва суд фаолияти сифатини ошириш мақсадида амалдаги “Судлар тўғрисида”ги қонунни такомиллаштириш орқали фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича туман, шаҳар ва вилоят судлари негизида умумий юрисдикция судлари ташкил қилишни, уларга “халқ судлари” мақоми беришни, вилоят ва унга тенглаштирилган судларга назорат инстанцияси ваколатини юклаш таклифини берамиз.

Маълумки, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уни муносиб ҳимоя қилишда адвокатура институтининг ўрни ва роли беқиёс. Шу боис, биз адвокатларнинг мақомини янада кўтариш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, ҳар бир адвокат малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатиши учун зарур чораларни кўриши, бу борадаги амалдаги қонунлар ижроси юзасидан кучли ва самарали назорат ўрнатиш, суд жараёнида адвокатура ва прокуратура ҳуқуқлари тенглик принципини таъминлаш учун курашамиз.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорларини ижро қилиш ваколати прокуратура ва ички ишлар органларига берилган бўлиб, бу ҳолат халқаро талабларга жавоб бермайди. Қолаверса, жазо ўтаётган шахслар таъқиб қилувчи органлар қўлида бўлмаслиги лозим. Шу муносабат билан, биз барча ижро билан боғлиқ ваколатларни ва жазони ижро этиш муассасаларини суриштирув ҳамда терговга ваколатига эга бўлмаган, холис орган – адлия идоралари бошқарувига беришни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Шунда суриштирув ва терговдан норозиликлар бартараф топади, ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг, қийноқ ва тайзиқларнинг олди олинади, ижро жараёнида инсон ҳуқуқлари таъминланади.

Биз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоатчилик олдида ҳисобот бериб бориш тартибини қўллаб-қувватлаймиз ва унинг шаффофлигини янада ошириш чораларини кўрамиз.

### КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ

Биз “Ижтимоий тенглик – тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демакдир” деган тамойилга таянган ҳолда жамиятдаги ижтимоий тенгликни таъминлайдиган, ҳар бир фуқаронинг қобилияти ҳамда малакасидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиши кафолатланадиган, у ўз меҳнатининг миқдори ва сифатига яраша муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг имкониятлар яратилган ижтимоий давлат қуриш учун курашамиз.

Мақсадимиз – ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш. Ижтимоий адолат – бу сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида барча фуқароларнинг ўзаро тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу – кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу – кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар тўғрисида ғамхўрликдир.

Илмлилик – саодатдир, илмсизлик – мусибат! Биз кучли ижтимоий сиёсатни мамлакатимизнинг келажаги буюк бўлишини таъминловчи инсон капиталига қаратамиз. Таълимга инвестиция киритиш – бу келажакка сармоя киритиш, халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдошлигини таъминловчи омилдир. Шу боис, биз узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, сифатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш тарафдоримиз.

Биз бундан кейин ҳам мактабгача таълим муассасалари тизимини салмоқли кенгайтириш ва уларда болаларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларни мактабгача таълимга қамраб олишни сезиларли равишда ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни давом эттирамиз. Бизнинг келгуси 5 йиллик пировард мақсадимиз – болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражасини икки бораварга кўтаришдир.

Шу билан бирга, мактабларда маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш, “Миллий ғоя”, “Одобнома”, “Динлар тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган ҳолда, ягона – “Тарбия” фанини жорий қилишни қўллаб-қувватлаймиз. Биз мактабларга буюк алломалар, давлат ва сиёсат арбоблари, машҳур саркарда аждодларимизнинг номларини бериш тарафдоримиз.

Умумий ўрта таълим сифатини тубдан яхшилаш, умумтаълим мактабларини ҳақиқий билим масканларига айлантириш, болалар спорти ҳамда мусиқа ва санъат мактабларини сон ва сифат жиҳатдан янгилаш, болаларнинг мутолаа маданиятини ривожлантириш масалалари ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Биз ўқитувчилар ҳуқуқий мақомини янада кўтариш, уларнинг иш ҳақи ва ижтимоий мавқеини оширишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширамиз ва шу мақсадда “Ўқитувчининг мақоми тўғрисида” алоҳида қонун қабул қилишни таклиф қиламиз.

Таълим олиш ва унинг сифатини ошириш стратегиясини қабул қилиш, амалдаги қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тизимлаштирган ҳолда, “Таълим тўғрисидаги кодекс”ни қабул қилишни таклиф қиламиз ва истиқболда бутун таълим жараёнини мувофиқлаштирувчи ягона ҳуқуқий тизимни яратамиз.

Биз олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларни давом эттирамиз, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) билан таъминлаш, халқаро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва ўқув дастурлари, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш орқали ўқув сифатини ошириш масалаларига кенг эътибор қаратамиз. Давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони ва самарадорлигини ошириш ҳисобига олий таълим билан қамров даражасини 2030 йилга қадар 50 фоиздан ошириш, олий таълим муассасалари сонини янада ошириш борасида амалий таклифлар берамиз. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларининг босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тартибига ўтишини таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқамиз.

Шунингдек, камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 та олий таълим муассасалари рўйхатига, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш борасидаги чора-тадбирлар устидан самарали ва таъсирчан парламент, депутатлик ва жамоат назоратини ўрнатамиз.

Олий таълим вазирлиги билан ҳамкорликда 2020 йилдан ҳар бир олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларини белгилаш билан бирга, олий маълумотли кадрларни кўпайтириш ва улар ўртасида рақобатни кучайтириш, олий маълумотлилар сони бўйича мамлакат даражасини кўтариш мақсадида олий ўқув юртларига кириш квоталарини босқичма-босқич ошириб бориш (бунда ўқув юртлари учун умумий қабул квоталарини белгилаш тажрибасидан воз кечиш), сиртқи, кечки ва масофавий таълим шаклини кенг жорий этиш чораларини амалга оширамиз.

Бундан ташқари, педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларини энг нуфузли таълим муассасаларига айлантириш, педагогликка мойиллиги бўлган ёшларни мақсадли тарбиялаб бориш бўйича вазифаларни амалга ошириш тарафдоримиз.

Мамлакатимиз рақобатдошлигини узоқ муддатда истиқболли таъминлашнинг муҳим омили сифатида биз мамлакат илмий салоҳиятини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ролини ошириш, инновацион иқтисодиётга ўтиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кенг эътибор қаратамиз. Олимларни, айниқса, ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини кўрамиз.

Биз, анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда, қуйидаги вазифаларни устувор деб биламиз:

– меҳнатга ҳақ тўлаш билан фуқароларнинг яшаш минимуми харажатлари ўртасидаги тафовутларни кескин қисқартириш, “базавий ҳисоблаш бирлиги”, пенсия ва энг зарур “яшаш минимуми” ҳамда “истеъмол савати”нинг ўзаро мутаносиблигига эришиш ва минимал иш ҳақини бозордаги нарх-навога мутаносиб равишда ошириш;

– аҳолининг даромади бўйича кескин табақаланишининг олдини олиш ва шу орқали ижтимоий муносабатларда барқарорлик ва уйғунликни таъминлаш;

– таълим, илм-фан, тиббиёт соҳаси ходимлари ҳамда зиёлиларнинг ижтимоий нуфузи, мақомини ошириш ва уларни ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш;

– бюджет соҳаси ходимлари учун бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан идоравий уй-жойлар қурилиши ҳажмини кенгайтириш, қурилаётган уй-жойларнинг сифатини ошириш.

Қишлоқ қиёфасини бутунлай янгилаш, қишлоқ жойларида янги уй-жойларни қуриш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, коммуникацияни ривожлантириш, йўл инфратузилмасини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси ва маданиятини ошириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Қишлоқ аҳолисини иш билан банд қилиш ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида фермерлар қўл остида ишловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини яратамиз. Иш берувчи сифатида фермерларнинг ва уларга ёлланиб ишловчиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ҳамда ҳар икки томоннинг манфаатларини ҳимоя қилувчи қонунларни ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқамиз.

Аҳоли саломатлиги – улкан бойлик, жамиятнинг барқарор ривожланиши гаровидир. Биз аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини қайта шакллантиришни давом эттириш тарафдоримиз.

Биз соғлиқни сақлаш соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этиш билан бирга, соғлиқни сақлашнинг давлат секторини мустаҳкамлаш, соҳада юқори малакали хорижий мутахассислар сонини ошириш ва хорижий инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлашни самарали тизимини шакллантириш, тиббий хизматлар экспортини ривожлантиришга кенг эътибор қаратамиз. Келгуси беш йилликда соғлиқни сақлаш бўйича давлат харажатларини умумий давлат харажатларига нисбатан 15,4 фоиздан 17 фоизга ҳамда ҳар 1000 кишига хизмат кўрсатувчи шифокорлар сонини 2.45 нафардан 5 нафарга, шифохона муассасалари сонини эса 1135 тадан 1250 тага ошириш – ушбу йўналишдаги асосий вазифаларимиз ҳисобланади.

### ХАЛҚ НОМИДАН, ХАЛҚ УЧУН ВА ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРАМИЗ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси – кучли, эркин ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш, “халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилмоғи керак” деган ғоя асосида халқ ҳокимияти тамойилини изчил амалга ошириш, парламентаризмни ривожлантириш, парламент демократиясининг замонавий институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида вакиллик органларининг ролини кучайтириш – мамлакатни демократик янгилашнинг муҳим йўналиши, деб ҳисоблайди.

Мамлакатда Конституция ва қонунлар устувор бўлиши, қонунларнинг халқчиллиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амал қилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилиши, бу борада вакиллик органлари демократиянинг ҳақиқий мактабига, ислоҳотларни амалга оширишда ташаббускор ва ҳал қилувчи кучга айланиши керак.

Биз “инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият”лиги тўғрисидаги конституциявий тамойилни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашда зарур бўлган “давлат ва жамият томонидан инсон қадр-қиммати ҳимоя этилиши ва ҳурмат қилиниши лозим”лиги тўғрисидаги янги тамойил билан тўлдириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳуқуқий давлат қурилишида “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти юқори эканлигини назарда тутиб, маъмурий идораларнинг халққа хизмат қилиши, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилинишини амалда таъминлаш мақсадида ушбу қонунни янада такомиллаштириш, уни ҳаётга изчил татбиқ этиш механизмларини аниқ белгилаш зарур, деб биламиз. Бу давлат ва жамият ҳаётида адолат тамойили тантанасини таъминлашнинг зарурий шартидир.

Биз депутатнинг сайловчилар ва партия олдида масъулиятини ҳамда ҳисобдорлигини ошириш, депутатлар фаолиятини халқ билан узвий боғлаш чораларини кўрамиз. “Электрон парламент” ва “Электрон ҳукумат” дастурларини изчил амалга ошириш йўли билан фуқаролар ва барча даражадаги вакиллик органлари ўртасида доимий мулоқот ва алоқаларни кенгайтириб боришни долзарб вазифа, деб биламиз.

Биз ҳокимиятнинг маҳаллий бўғинлари ваколатларини кучайтириш ва кенгайтириш – аҳолининг ҳаётий муҳим муаммоларини ечишда энг ишончли ва тўғри йўл, деб ҳисоблаймиз. Айни вақтда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг ролини ошириш орқали ижро ҳокимияти устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарур, деб биламиз.

Бизнинг мақсадимиз – ижро ҳокимияти ва унинг органларини инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қиладиган, фаровон турмуши учун шароит яратадиган, ижтимоий масалалар билан тўлиқ шуғулланадиган шаффоф ва самарали институт даражасига олиб чиқишдир.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг кучли институтларидан бири – оммавий ахборот воситаларидир. Шуни яхши англаган ҳолда, партия ўзининг сайловолди дастурларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини ҳаётга кенг татбиқ этиш масалаларини илгари суриб келмоқда. Партия бундан кейин ҳам ушбу масаланинг ўта долзарблигини эътироф этган ҳолда, амалдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунни мамлакат тараққиётига мос равишда такомиллаштириш, унинг ижроси юзасидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, босма оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини тарқатиш соҳасида рақобатни кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг, айниқса, журналист ва блогерларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришни муҳим вазифа деб билади. Зеро, шаффофлик, ошкоралик ва очиқлик – адолатли фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир.

Сиёсий эркинликларни ҳимоя қилиш ва ривожлантириш, меҳнат шароитларига бўлган талабларни ошириш, жамоавий битимларга, меҳнат ва дам олишга бўлган ҳуқуқларни таъминлаш, гендер тенг ҳуқуқлигига эришиш, давлат ва иш берувчиларнинг ўз ижтимоий функцияларини эътироф этиши, кучли ва мустақил касаба уюшмалари – буларнинг барчаси замонавий социал демократиянинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Маълумки, бутун дунё социал-демократлари ишчи ва меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилишади. Шу боис, партия касаба уюшмалари ҳаракатига катта аҳамият беради ва уни замонавий, цивилизациялашган бозор муносабатларини шакллантиришда ишчи ва меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг энг муҳим воситаси, деб ҳисоблайди. Биз учун касаба уюшмалари ҳаракатини бундан кейин ҳам ривожлантириш ва кучайтириш – адолатли жамиятни шакллантиришнинг зарурий шарти бўлиб қолаверади.

### АҚЛЛИ ИҚТИСОДИЁТ – МАМЛАКАТ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИ

Бизнинг мақсадимиз – рақамли технологияларга асосланган инновацион миллий иқтисодиётни барпо этиш, “фаровон давлат” қуриш, аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш, тадбиркорликни ҳар бир фуқаронинг қобилияти ва имкониятини инобатга олган ҳолда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва унинг ривожланишига ғов бўлаётган бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашдир.

Партия ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори сифатида юксак технологияли маҳсулот, маълумотлар жадал алмашинуви технологияси ва виртуал молиявий хизматларга таянган рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушини 2025 йилга қадар 45% га етказишни муҳим вазифа деб билади.

Биз иқтисодий соҳада республикамизда олиб борилаётган макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш, бюджет ҳамда миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш, банк ва суғурта тизимларини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Биз рақамли иқтисодиёт ривожида инновацион ёндошувни муҳим, деб биламиз ҳамда тараққиётнинг барқарор давомийлигида давлатнинг мувофиқлаштирувчилик фаолияти етакчи эканлигини эътироф этамиз. Шу нуқтаи назардан, барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш борасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз:

– Ўзбекистонда инновацион ёндашувли рақамли иқтисодиётга ўтишни ташкил этиш, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш;

– инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, янги технологиялар базасини яратиш, замонавий бизнес инфратузилмаларини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

– инновацион фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, шу жумладан, “Инновациялар ва инновацион фаолият тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;

– иқтисодиётни энг замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, илғор инновацион ғоялар ва билимлар асосида ривожлантириш чораларини кўриш;

– иқтисодиётда сунъий монополияга барҳам бериш ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган рақобатни қўллаб-қувватлаш;

– аҳолини иш билан банд этиш, янги иш ўринлари яратиш, ишсизликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

– аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш;

– мамлакатимизнинг муҳим миллий бойлиги бўлган инсон капиталини ҳар томонлама кўпайтириш ҳамда ривожлантириш бўйича илғор ташаббусларни илгари суриш;

– ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат индикатив иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан кучли қўллаб-қувватланишига эришиш;

– энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантириш, энергияни тежайдиган инновацион технологияларни жорий этиш;

– уй-жой коммунал хизматлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг оптимал тариф ва қийматларини белгилайдиган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

– уй-жой коммунал хизматлар соҳасига инновацион технологияларни жорий этиш ва хусусий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш, соҳага йўналтириладиган маблағларнинг самарали ва оқилона сарфланиши устидан депутатлар ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

– бизнеснинг амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган меҳнат муносабатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимни ижтимоий суғурта қилиш, пенсия таъминоти талабларига амал қилиши учун масъулиятини оширадиган ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш ва ижросини назорат қилиш;

– интеллектуал мулк объектлари (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтирога бўлган ҳуқуқлар ва бошқа) ҳуқуқлари бузилишига нисбатан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш;

– юқори технологияли маҳсулотларни экспорт қилишни ва илғор илмий ва технологик ишланмаларни қўллаб-қувватлаш орқали миллий иқтисодиётнинг жаҳон тизимига интеграциясини кучайтириш.

Кичик ва ўрта бизнес – барқарор ривожланишнинг кафолатидир.

Биз барқарор иқтисодий ўсиш ва халқимиз даромадининг изчил оширишнинг муҳим омили сифатида кичик бизнесни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деб биламиз. Давлат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шакллари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратамиз:

– қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратишга қаратилган қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

– “солиқ таътили” ва солиқ кредитлари, “давлат субсидиялари ва грантлари” (кичик корхоналарга солиққа тортилмайдиган тўғридан-тўғри бюджетдан маблағ ёки бошқа турдаги моддий ресурслар ажратиш) каби солиқ воситаларидан кенг фойдаланиш;

– инновацион корхоналар, компаниялар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига давлат грантларини ажратиш.

### ЮРТ КЕЛАЖАГИ ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлигидир ва биз унинг ҳар томонлама кўпайиши ва тараққий этиши, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган, юртимиз ва халқимиз манфаатларига садоқатли янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб биламиз.

Биз ўз олдимизга саноати юқори ривожланган, иқтисодиёти фан-техника ютуқлари ва инновацияга асосланган адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, иқтидорли кадрларни боғча ёшидан тайёрлашга, таълим билан тарбияни чамбарчас олиб боришга, одоб-ахлоқ қоидаларини улар онгига сингдириб боришга, мактаб таълимини сифат ва самара жиҳатидан юқори даражага кўтариш орқали ҳар бир ўқувчининг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва олий таълим муассасасида ўқиш имкониятларини кенгайтиришга, замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга малакали кадрларни кўпроқ тайёрлашга эътибор қаратамиз.

Шундан келиб чиқиб, биз аҳолининг олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш, қолаверса, таълим ва тарбия соҳасида узвийликни таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларни устувор вазифалар сирасига киритамиз:

– мактабгача таълим муассасаларида овқатлантириш тизимини янги инновациялар асосида янгитдан ташкил этиш. Бунда калорияли овқатлар ҳамда мия фаолиятини яхши ишлашида керак бўладиган витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари ўрин олишига алоҳида эътибор бериш;

– умумтаълим мактабларида ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларининг қарор топишига эришиш, эркак ўқитувчилар сонини кўпайтириш, синфлардаги ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон ўқув-таълим дастурлари ва мультимедиа маҳсулотлари миқдори ва сифатини ошириш;

– умумтаълим мактабларнинг бошланғич синфларида узайтирилган кун гуруҳларини жорий қилиш ва ўқувчиларни соғлом овқатлантиришни тизимли йўлга қўйиш;

– ижтимоий-гуманитар йўналишдаги ўқув предметларини оптималлаштириш ҳисобига инсон ҳуқуқлари предметини жорий этиш;

– касб-ҳунар таълимининг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

Биз ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ўқувчилар ҳамда талабаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши, спорт билан шуғулланиши ва китоб мутоалааси учун зарур бўлган вақтни мақбуллаштириш мақсадида ўқув йилининг бошланиши муддатини қайта кўриб чиқишни таклиф қиламиз.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида мактаб униформасини жорий этишни жадаллаштириш зарур. Республика бўйича мактаб ўқувчилари ягона формада юриши, улар ўртасидаги тенгсизликнинг олдини олиш баробарида, болаларни интизомга, оддийликка, самимийликка ўргатади.

Биз умумтаълим мактаблари учун дарсликларнинг янги, замонавий авлодини яратиш лозим, деб ҳисоблаймиз ҳамда дарсликларни ишлаб чиқишнинг амалдаги самарасиз тизими ўрнига мутлақо янги тизими – “Дарсликлар бўйича илмий-тадқиқот институти” ташкил қилишни таклиф қиламиз.

### ТИНЧЛИКСЕВАР, ПРОГРЕССИВ ТАШҚИ СИЁСАТ: МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УСТУВОРЛИГИ

Биз барча мамлакатлар ва халқаро институтлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган давлатнинг динамик ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз, Марказий Осиёнинг амалда барқарор, ҳар томонлама ривожланган ва яхши қўшничилик алоқаларини йўлга қўйган минтақага айланиши тарафдоримиз.

Бизнинг мақсадимиз – Ўзбекистоннинг давлатлараро муносабатларда тенг ҳуқуқли ва масъулиятли шерик бўлишига ёрдам бериш. Биз давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида давлатимиз ўрни ва ролини кучайтириш, Ўзбекистоннинг турли ҳарбий блокларда иштирок этмаслиги тарафдоримиз.

Давлатимиз аъзо бўлган БМТ, ШҲТ, МДҲ, ЕХҲТ, ИҲТ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг тегишли ижтимоий ва инсонпарварлик дастурлари доирасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик тарафдоримиз. Биз ижтимоий соҳада қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, савдо ва инвестицион фаолият учун қулай шароитлар яратиш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш мақсадида, трансчегаравий, транспорт-коммуникацион, инфратузилмавий ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш тарафдоримиз.

Бунинг учун биз:

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро институтлар интеграциялашуви ва модернизацияси, халқаро ва минтақавий хавфсизликнинг янги тизимини шакллантириш, хусусан, ШҲТ давлатларининг иқтисодий, гуманитар ва ижтимоий соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш;

– оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизм, одам савдоси, гиёҳванд моддалар контрабандаси, ноқонуний миграция, экология муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок этиш;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, хусусан, меҳнат мигрантларининг хорижий мамлакатлардаги ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш чораларини кўрамиз.

Бунинг учун биринчи галда Барча меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция қоидаларини мамлакатимиз қонунчилигида акс этиши ва қўлланиши чораларини кўрамиз ҳамда тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари, шу жумладан, “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ташаббуси билан чиқамиз.

Биз Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини халқаро майдонда илгари суриш мақсадида парламентлараро ҳамкорлик ва партиявий дипломатия имкониятларидан унумли фойдаланиш тарафдоримиз. Хусусан, илғор хорижий мамлакатларнинг социал-демократик йўналишдаги сиёсий партия ва ҳаракатлари билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

---

*Азиз ватандошлар!*

*“Адолат” СДП ўз олдига мана шундай олижаноб ва эзгу мақсад-вазифаларни белгилаб олмоқда. Сизнинг сайловлардаги фаол иштирокингиз ва хоҳиш-истагингиз билан биз мамлакатимиз бўйлаб кучли депутатлик корпусларини шакллантира оламиз ва кейинги 5 йил мобайнида уларни ҳаётга татбиқ эта оламиз.*

*Сайловларда энг кўп ўрин эгаллаб, янги ҳукуматни шакллантиришда фаол иштирок этамиз ҳамда бугунги ҳукумат томонидан йўл қўйилаётган барча хато ва камчиликларни бартараф этамиз.*

*Биз халқ номидан, халқ учун ишлаймиз, унинг муаммоларини ҳал қиламиз. Агар сайловларда бизни танласангиз ва партиямиз кўрсатган номзодларни қўллаб-қувватласангиз, биз Сиз – азиз юртдошларимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун курашамиз!*

*Ўзбекистон – бизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, унинг ҳар бир аъзоси эркин, адолатли, тинч ва фаровон яшашга ҳақлидир!*

*Адолат ҳаётимизнинг бош мезонига айланиши даркор!*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲУНАРМАНДЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

7. **2020 йил 1 январдан** бошлаб:

2023 йил 1 январга қадар **Миллий каталог** ва **Реестрга киритилган ҳунармандлар учун** календарь йили давомида ҳунармандчилик маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушуми **100 млн.** сўмдан ошган, бироқ **1 млрд.** сўмдан кўп бўлмаган миқдори учун якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан **ягона солиқ тўлов ставкаси 2 фоиз** миқдорида тўланади;

ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича янгидан давлат рўйхатидан ўтишда тўланадиган давлат божи якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун **амалда белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорида ўрнатилсин;**

Миллий каталогга киритилган ҳунармандларга **шогирдлар сони бўйича чекловлар бекор қилинсин;**

кўргазма заллари, галереялар, павильонлар, бозор ва ярмарка расталарида намойиш қилиш ва сотиш учун жойлар, фаолиятини кенгайтириш учун ихтисослаштирилган ҳунармандчилик мажмуаларида ер участкалари ажратилишида **Миллий каталогга киритилган ҳунармандлар** учун **устуворлик** қўлланилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5242-сон Фармони билан қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган **ҳунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида** Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган **ягона ижтимоий тўловнинг 50 фоизини тўлаш тартиби** ўрнатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур тартиб **2020 йил 1 январдан** бошлаб шаҳарларда рўйхатдан ўтган ва айнан халқ амалий санъати маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи **"Ҳунарманд" уюшмаси аъзоларига татбиқ этилсин.**

Бунда, халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар ва кўникмалар, анъанавий асбоб-анжомлардан фойдаланган ҳолда, асосан қўл меҳнати усулида яратилган ва қоида тариқасида миллий нақшлар билан безатилган буюм ва асарлар халқ амалий санъати маҳсулотлари ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4498-сон қарорига мувофиқ 2020 йил давомида ҳунармандчиликни ривожлантириш дастури учун **589,3 млрд.** сўм миқдорида (шундан, **470 млрд.** сўм (**50 млн.** АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан) кредитлар ажратилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларни юқоридаги қарорнинг 2-банди тўртинчи хатбошисида белгиланган шартларда ажратсин.

АТ Халқ банки, "Микрокредитбанк" АТБ ва "Агробанк" АТБ ушбу манбалар ҳисобидан "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари, "уста-шогирд" мактабларини ташкил этиш, уй-музей ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш, айланма маблағларини тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг **қайта молиялаш ставкасидан ошмаган ҳолда 18 ой муддатга**, **базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 бараваридан ошмаган миқдорда кредитлар ажратсин.**

Бунда "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоларига тадбиркорлик лойиҳаларига тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган ҳолда ажратиладиган **кредитлар фоиз ставкаларининг тўртдан бир қисми** Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин.

10. "Ҳунарманд" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда **2020/2021 ўқув йилидан** бошлаб ҳунармандчиликка ихтисослашган ҳудудларда ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати йўналишлари бўйича **болалар мусиқа ва санъат мактаблари, "Баркамол авлод" болалар марказлари** ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-ҳунарга ўқитиш марказларида ўқув курсларини ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда **2020 йил 1 майга** қадар ҳунармандчилик йўналишида касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг намунавий ўқув режа ва дастурларини тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси **икки ой муддатда** ҳунармандларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом ашё (шу жумладан, мис, қора металл, ипак ва ёғоч) билан таъминлашнинг қулай тизимини жорий этиш ҳамда қайта тикланадиган хом ашё (тутзорлар, қаттиқ турдаги дарахтлар) базасини яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Миллий каталогга киритилган ҳунармандларга маркетинг соҳасида доимий амалий ёрдам кўрсатсин ва уларнинг маҳсулотлари электрон тижорат (E-commerce) йўналишида кенг қўлланиладиган **Интернет жаҳон ахборот тармоғи веб-сайтлари орқали сотилишида зарур ташкилий ишларни** йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

**икки ой муддатда** йирик савдо мажмуалари ва деҳқон бозорлари ҳудудларида алоҳида **"ҳунармандлар расталари"**ни ташкил этсин;

"Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлган ҳунармандларни доимий равишда "ҳунармандлар расталари"га жойлаштириб борсин;

**2020 йил якунига** қадар ташаббускорларни жалб қилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 2-иловага мувофиқ туман ва шаҳарларида миллий ҳунармандчиликнинг барча йўналишларини ўзида мужассам этадиган замонавий **"ҳунармандлар бозори"**ни ташкил этсин;

ҳунармандларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Сузук ота"** мажмуаси мисолида **ихтисослаштирилган ҳунармандчилик мажмуаларини** ташкил этиш чораларини кўрсин;

**2020 йил якунига** қадар Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳрида **халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазма заллари ва галереяларини** ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "Ҳунарманд" уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда "World craft council"** халқаро ҳунармандчилик кенгаши томонидан ташкил этиладиган тадбирларда "Ҳунарманд" уюшмасининг доимий иштирокини таъминлаш ҳамда ушбу халқаро ташкилот билан ҳунармандчиликни ривожлантириш борасидаги тадбирлар учун халқаро ташкилотларнинг техник кўмагини жалб қилишга қаратилган аниқ тадбирларни ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва "Ҳунарманд" уюшмаси ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш борасидаги халқаро тажрибани мунтазам ўрганиб бориш ва умумлаштириш, шу асосда илғор хорижий тажрибаларни Ўзбекистон Республикасида жорий этишга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

15. "Uzbekistan airways" АЖ ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга ҳунармандчилик соҳасидаги нуфузли халқаро фестиваль ва кўргазмаларда қатнашадиган **Миллий каталогга киритилган ҳунармандлар учун йўл чипталарига имтиёзлар қўллаш** тавсия этилсин.

Бунда хорижий давлатларда анъанавий тарзда ўтказиладиган ҳунармандчилик соҳасидаги нуфузли халқаро фестиваль ва кўргазмаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хориждаги дипломатик ваколатхоналари орқали хорижий давлатларда анъанавий тарзда ўтказиладиган ҳунармандчилик соҳасидаги нуфузли халқаро фестиваль ва кўргазмаларда ҳунармандлар иштирок этишлари учун зарурий ташкилий кўмак кўрсатилишини таъминласин.

16. **Ҳунармандчилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"** (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Йўл харитаси"да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши юзасидан масъул **вазирлик ва идоралар раҳбарларига шахсий жавобгарлик юклансин.**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда "Йўл харитаси"да назарда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги республикада ҳунармандчилик соҳасининг ривожланишини баҳолаш учун тегишли индикаторларни Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда **икки ой муддатда** ишлаб чиқсин ва уларнинг **2020 йилдан бошлаб ҳар чоракда** оммавий ахборот воситаларида чоп этиб борилишини таъминласин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **бир ой муддатда:**

мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳамда туман ва шаҳарларнинг ҳунармандчилик йўналишлари бўйича ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **2020-2021 йилларда ҳунармандчиликни ривожлантириш стратегияларини** ишлаб чиқсин;

ишлаб чиқилган стратегиялар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида тақдимот ўтказсин ва тегишли тартибда тасдиқласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Фанлар академияси, Бадиий академияси, Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** анъанавий халқ бадиий ҳунармандчилиги буюмлари турларини қайта кўриб чиққан ҳолда маданий бойликларга тааллуқли ашёлар тоифаси таркибига ўзгартиришлар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

19. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси:

"Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати тарихи ҳамда бугунги ривожини кенг тарғиб қилиб бориш мақсадида "Маънавият ва маърифат" телеканалида мунтазам намойиш этиладиган ҳунармандчиликка оид телекўрсатувларни ташкил этсин;

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 28 ноябрь*

***Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар***

Тошкент шаҳар Иқтисодий судининг 2019 йил ҳал қилув қарорларига асосан тугатилаётган корхоналар рўйхати

| № | Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | | Иқтисодий суднинг қарори рақами ва санаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "CHINAR PLYUS" MCHJ | 302630164 | 06.06.2013 | 007654-03 | 28.06.2019 | 4-1001-1908/12458 |
| 2 | "MINAS DE ORO" MCHJ | 301023784 | 09.01.2009 | 003612-03 | 28.06.2019 | 4-1001-1908/12460 |
| 3 | "DAST ARXAN OLIVA" MCHJ | 302423714 | 20.11.2012 | 006099-03 | 28.06.2019 | 4-1001-1908/12461 |
| 4 | "XYZ TECHNO" MCHJ | 305619774 | 26.06.2018 | 618282 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22086 |
| 5 | "AGRICULTURAL" MCHJ | 305603313 | 13.06.2018 | 616013 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22092 |
| 6 | "AMBRE" MCHJ | 305623099 | 27.06.2018 | 618714 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22088 |
| 7 | "CITY MED GROUP" XK | 305625143 | 28.06.2018 | 618953 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22087 |
| 8 | "GLAUKOMA KO`Z KLINIKASI" MCHJ | 303516730 | 04.12.2015 | 007970-03 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22096 |
| 9 | "BELLUS TANDEM" MCHJ | 303032614 | 16.12.2015 | 007162-03 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22084 |
| 10 | "KANAL MISRAN" MCHJ | 304525918 | 11.01.2017 | 008711-03 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22079 |
| 11 | "TECHNICAL DESIGN AND ENGINEERING SERVICES" MCHJ | 302913436 | 25.08.2014 | 006957-03 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22082 |
| 12 | "WHITE DIAMOND TRADING" MCHJ | 302917826 | 18.06.2015 | 006965-03 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22081 |
| 13 | "OBOD FUTBOL KOMANDA" MCHJ | 302778328 | 24.07.2017 | 19470 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22075 |
| 14 | "FERUZA FOOD" MCHJ | 304163499 | 19.07.2016 | 008413-03 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22077 |
| 15 | "OFFICIAL START UP GROUP" MCHJ | 305628068 | 02.07.2018 | 619395 | 26.09.2019 | 4-1001-1912/22094 |
| 16 | "BALLEN GROUP" MCHJ | 303994803 | 01.06.2016 | 008322-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25709 |
| 17 | "LIMITLESS GROUP" | 306015885 | 21.01.2019 | 671207 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25730 |
| 18 | "TIMUR I AKMAL SERVIS" | 303265633 | 18.03.2015 | 007517-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25707 |
| 19 | "AVTOGAZJIHOZ" MCHJ | 300578578 | 27.09.2007 | 002781-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25711 |
| 20 | "TEZIKOVKA" | 305871013 | 23.11.2018 | 652162 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25729 |
| 21 | "SIARA-TOUR" MCHJ | 206779627 | 31.08.2006 | 005988-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25710 |
| 22 | "COMMERCIAL HOUSE" | 305397032 | 10.03.2018 | 588540 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25708 |
| 23 | "ANOVIKOV" | 305766103 | 21.09.2018 | 638124 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25741 |
| 24 | "OQTOSH ZARAFSHON SOHIL" XK | 304951602 | 19.06.2017 | 527115 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25740 |
| 25 | "BARAKA FOOD HOUSE" XK | 305750883 | 14.09.2018 | 636074 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25727 |
| 26 | "SHAREYAR" | 305740025 | 10.09.2018 | 634704 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25739 |
| 27 | "OJUVARD-NUR" XK | 305333705 | 20.02.2018 | 580415 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25738 |
| 28 | "ORZU-SHISHA" MCHJ | 302733573 | 23.10.2013 | 006664-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25737 |
| 29 | "JAMILA MARKET" XK | 305555745 | 18.05.2018 | 609598 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25735 |
| 30 | "O`ZBEGIM BUSINESS" | 305506314 | 23.04.2018 | 603045 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25734 |
| 31 | "HANSOL" | 305423023 | 23.03.2018 | 591893 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25733 |
| 32 | "EMIRATES AL-MUHSINIYN" | 305723741 | 29.08.2018 | 632511 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25732 |
| 33 | "YASHNAR ZAMIN YOG`DUSI" MCHJ | 304313968 | 16.09.2016 | 008506-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25731 |
| 34 | "SEVIMLI-TV MEDIA PRODUCTION" | 305595174 | 08.06.2018 | 614974 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25712 |
| 35 | "SULTAN TOUR" | 305693417 | 08.08.2018 | 628224 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25700 |
| 36 | "EVEREST MEAT PRODUCTIONS" MCHJ | 303187176 | 29.01.2015 | 007420-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25706 |
| 37 | "FLY SYSTEM" | 305441089 | 28.03.2018 | 594320 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25705 |
| 38 | "MYASNOY DELIKATES" MCHJ | 303406306 | 30.07.2015 | 007766-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25703 |
| 39 | "INTERFLY GROUP SERVICE" MCHJ | 303135651 | 06.01.2015 | 007370-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25704 |
| 40 | "MARMAR-REAL" | 305423624 | 23.03.2018 | 591788 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25702 |
| 41 | "SHTEFAN UNIVERSAL" MCHJ | 302276518 | 17.04.2012 | 005782-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25701 |
| 42 | "TECHNO" | 305589347 | 06.06.2018 | 614198 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25725 |
| 43 | "GAYRAT TRANS BIZNES" MCHJ | 304750837 | 17.03.2017 | 008876-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25726 |
| 44 | "FORMULA OIL" | 305513211 | 26.04.2018 | 603959 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25728 |
| 45 | "WEBWRITER SUPPORT SERVICE" MCHJ | 304386743 | 21.10.2016 | 008565-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25697 |
| 46 | "SAVDOMED" XK | 305363351 | 01.03.2018 | 584254 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25720 |
| 47 | "DARMON – PHARM" | 305157797 | 01.12.2017 | 556854 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25698 |
| 48 | "ZAMIRA BONU SAVDO" MCHJ | 301320194 | 16.09.2009 | 004093-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25699 |
| 49 | "RAZZO BUSINESS" XK | 304739326 | 14.03.2017 | 73110 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25719 |
| 50 | "RED BUSINESS MOBILE" MCHJ | 303224200 | 18.02.2015 | 007466-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25724 |
| 51 | "AGRO SOLUTIONS HOLDING" | 305239171 | 23.01.2018 | 568187 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25722 |
| 52 | "TRUBPLAST" | 305087354 | 09.10.2017 | 547152 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25723 |
| 53 | "FARGONA KOMMUNAL LYUKS" MCHJ | 206817966 | 02.12.2006 | 002238-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25715 |
| 54 | "XEGAY MARINA" MCHJ | 302672144 | 29.07.2013 | 006535-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25716 |
| 55 | "PARRANDA MAHSULOT" | 305319776 | 16.02.2018 | 578640 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25721 |
| 56 | "MASTURA BIZNES" MCHJ | 304470078 | 12.12.2016 | 008664-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25713 |
| 57 | "MARIYA-VIKTORIYA" XK | 303393965 | 14.07.2015 | 007736-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25718 |
| 58 | "TRANS WORLD" | 305143514 | 21.11.2017 | 554904 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25714 |
| 59 | "DIAMOND AGRO PRODUCT" MCHJ | 303383574 | 03.07.2015 | 007716-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25717 |
| 60 | "ARBITR" XK | 303182144 | 27.01.2015 | 007413-03 | 22.11.2019 | 4-1001-1919/25736 |

**Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчакли муҳрлари**
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**
**Кредиторлар икки ой мобайнида Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод туман ҳокимлиги доимий ишловчи корхоналарни тугатиш махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.**

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1146
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1355 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5